

# Ислом Нури

Маколалар

## Эътикоф

Хозирловчи: «Ана муслим» (Мен мусулмонман) электрон сахифаси

Мутаржим: Абу Абдуллох ал-Бухорий

Бисмиллахир рохманир рохийим

Барча Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳ таъолога ҳамду санолар, пайгамбаримиз, Унинг оиласи барча сахобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Бу - шайх Холид ибн Алий Мушайкиъ -Аллоҳ уни ўз хифзу химоясида сакласин- таълиф этган «Фикхул-эътикоф» китобига асосланиб ёзганим эътикоф ахкомлари хакидаги муҳтасар рисоладир. Мен унинг кучли далилларга асосланган сўзларига баъзи кўшимчаларни кўшдим, холос. Аллоҳ таъолодан бу рисолани манфаатли килишини сўрайман... Зоро, У саховатли зотдир..

**Аввало: эътикофнинг таърифи.**

**Эътикофнинг лугавий маъноси:**

«Эътикоф» - (араб тилида عَكْفَ (اعتكاف) бир нарсага бoggаниш ва берилиш маъносидаги «عَكْفَ عَنْ حَلْوَةٍ» ъакафа, яъқифу, ъукуфун» феълининг «ифтиъолун انتقال» бобидаги шаклидир. Бу феъл мутааддий (ўтимли) бўлиб келганида масдари «ъакф»، лозим (ўтимсиз) бўлиб келганда эса, масдари «ъукуфун عَكْفَ» бўлади.

«ъакафа عَكْفَ» феъли ўтимли бўлиб келганида, «тўсиш» ва «ман килиш» маъноларида истеъмол килинади. Масалан: (عَكْفَهُ عَنْ حَاجَتِهِ أَيْ: مَنْعَتْهُ) маъноси: уни хожатидан тўсиб турдим яъни ман килдим.

أَيْ : مَحْبُوساً. (وَالْهُدْيَ مَعْكُوفاً أَنْ يَئْلَغَ مَحْلَهُ) (الفتح: ٢٥) Хадя (курбонлик килиш учун олган хайвонларингиз) ни эса маҳбус бўлган холида, ўз жойига етишидан тўсган кимсалардир. (Фатх: 25) Маъкуф яъни маҳбус. «ъакафа عَكْفَ» феъли ўтимли бўлиб келганда, «бир нарсани лозим тутиш», «давомийлик», «икбол килиш», «яхши ёки ёмон бўлсин, бир нарсада сабот билан туриш» ни ифодалайди. Бунинг мисоли Аллоҳ таълонинг куйидаги сўзларидир:

(وَلَا تُبَاشِرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ) (البقرة: ١٨٧)

«Сизлар масжидларда **эътикофда бўлган чогингизда**, (кечалари хам) улар (хотинларингиз) билан ковушмангиз!» (Бакара: 125);

(مَا هَذِهِ النَّمَائِيلُ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ) (الأنبياء: ٥٢)

«Сизлар доимо чўкинадиган бу хайкаллар нимадир» (Анбиё: 56);

(وانظر إلى إلهك الذي ظلت عليه عاكفاً )

«... Устидан жилмай ибодат килган илохингнинг холига бок!» (То-ха- 97).

**«Эътикоф» нинг истилохий маъноси:** Муайян шахс тарафидан муайян услубда Аллоҳ таъолога ибодат килиш учун масжидни лозим тутиш.

### Иккинчи: Эътикофнинг хикмати

Калбнинг самимийлиги, Аллоҳ таъоло томон юриш асносида Аллоҳ таъолога икбол килиш, мубоҳ нарсаларнинг ортиқчаларини тарқ килиш, Аллоҳ таъолога бўлган унсиятни рӯёбга чикариш, Аллоҳ таъоло учунгина ишлаш ва Унинг розилигига эришиш йўлида тафаккур килиш билан бирга событкадам бўлишидир.

Шариатда мавжудлигининг далиллари:

Эътикофнинг шариатда мавжуд эканига Куръон, суннат ва ижмоъ далолат килади.

### Куръоннинг далолати:

Аллоҳ таъоло деди:

(وَعَهْدُنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَنْ طَهَّرَا بَيْتَنَا لِلطَّاهِيفِينَ وَالْعَاكِفِينَ وَالرُّكُعَ السُّجُودَ) (البقرة: ١٢٥)

«Биз Иброҳим ва Исмоилга: «Менинг Байтимни тавоф килгувчилар, ўша ерда ибодат килиб турувчилар, рукуъ - сужуд эгалари учун пок тутинг»- деб буюрдик» (Бакара: 125);

(وَلَا تُبَشِّرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ) (البقرة: ١٨٧)

«... Масжидларда эътикофда бўлган пайтингизда улар (хотинларингиз) билан ковушмангиз!» (Бакара: 187).

Бу ерда масжидларга изофа килишнинг Аллоҳга ибодат килишга катта алокаси бор. Рамазон ойининг кечаларида хам хотинлари билан ковушишни тарқ килиш - Аллоҳга якин бўлишнинг бир кўринишидир.

### Суннатнинг далолати:

Оиша разияллоҳу анҳо деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларига кадар рамазон ойининг охирги ўн кунида эътикоф килдилар. Ундан сўнг рафикалари хам (рамазон ойининг охирги ўн кунида) эътикоф килар эдилар» (Имом Бухорий ривояти: 2026; Имом Муслим ривояти: 1172).

Бундан бошқа хадислар хам кўп.

### Ижмоънинг далолати:

Эътикоф килишга мусулмонларнинг ижмоъсини ибн Мунзир, ибн Хазм, Нававий, ибн Кудома, шайхулислом ибн Таймийя, Куртубий, ибн Хубайра, Заркаший ва ибн Рушдлар накл килдилар.

## **Тўртинчи: Эътикофнинг хукмлари**

Бунинг учта масаласи бор:

**Биринчи масала:** Эътикофнинг эркаклар учун хукми.

Эътикоф килиш - хотин-кизлардан бошкалар учун суннатdir. Чунки эътикоф, юкорида зикри ўтган далилларга биноан, шариатда баён килингандир. Бирок, моликий мазхабига мансуб баъзи олимлар имом Моликдан ривоят килинган наклга биноан, эътикоф килишни макрух хисобладилар. Имом Молик рахимахуллоҳ дедилар: «Мен бирон бир сахобанинг эътикоф килганини кўрмадим. (Имом Молик рахимахуллоҳ факатгина бир киши - Абу Бакр ибн Абдурраҳмоннингина эътикоф килганлик хабари етганини эслатади). Менимча, бу - эътикофнинг оғирлигидан бўлса керак. (Баъзилар имом Молик рахимахуллоҳнинг эътикофни макрух хисоблаганинг сабаби, унинг раҳбонийликка (ибодат учун одамлардан узоклашишга) ўхшатгани ёки эътикофнинг шартларини тўла адо этиш кийинлигини назарда тутган бўлса керак, деб изохладилар.

Ибн Хажар рахимахуллоҳ: «Балки у (имом Молик) эътикоф учун муайян бир шаклни тасаввур килган бўлса керак. Бўлмаса, кўплаб сахобанинг эътикоф килганини накл килганмиз»- деди.

**Иккинчи масала:** Эътикофнинг хотин-кизларга нисбатан хукми.

Уламолар ўртасида хотин-кизларнинг эътикоф килиш-килмасликлари ўртасида ихтилофлар бўлсада, жумхури уламо хотин-кизларнинг эътикоф килишлари суннат эканига хукм килган. Улар бунга куйидаги хужжатларни далил килганлар:

**1.** Эътикофнинг шаръий нарса эканига далолат килган хужжатларнинг умумийлиги ва унда эркак ва хотин-кизлар ўртасини ажратмаслик.

**2.** Аллоҳ таъолонинг сўzlари:

(فَتَخَذَتْ مِنْ دُونَهِمْ حِجَاباً )

«... Улардан беркиниб олган пайтда...» (Маръям: 17);

(كَلَمًا دَخَلَ عَلَيْهَا زِكْرِيَا الْمَحَرَاب)

«... Закариё у (Маръям) нинг олдига - хужрага кирганида ...» Оли Имрон: 37).

Бу оятларда зикр килинган ибодат - масжиддаги эътикоф ва одамлардан пардаланиш бўлиб, у биздан аввалгиларга хам шариатларида баён килинган. Бизга эса, уни рад этган бирон бир ривоят ва накл бўлмагани учун шаръийдир (яъни шариатда кўрсатилган ибодатдир).

**3.** Оиша разияллоҳу анхонинг расулуллоҳу соллаллоҳу алайхи ва салламнинг у ва Хафса онамиз разияллоҳу анхумоларга эътикоф килишларига рухсат берганлари зикр килинган хадис (Имом Бухорий: 2414; Имом Муслим: 1173).

**4.** Оиша разияллоҳу анҳо дедилар: «Расулуллоҳу соллаллоҳу алайхи ва саллам билан бирга кизил ва сарик истихоза кони кўрган, намоз ўқир экан тагига тос кўйган баъзи рафиқалари хам эътикоф килган эди» (Имом

Бухорий: 309). Баъзи шархловчилар расууллох соллаллоху алайхи ва салламнинг бу рафикалари Умму Салама разияллоху анхо эканини ёздилар.

**5.** Оиша разияллоху анхо дедилар: «Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам эътикоф килиш асносида хайз кони кўрган аёлларни масжиддан пок бўлгунларига кадар чикариб юборар эдилар» (Иbn Кудома, «Мугний»: 4 / 487; ibn Mafoх «Фурӯъ» китобида Абу Хафс Абкарийдан накл килди: 3 / 176; ibn Battа: «Бу хадиснинг исноди яхшидир»- деди).

Аммо расууллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ўзлари билан бирга эътикоф киммокчи бўлган рафикаларининг чодирларини бузиб ташлашлари, уларнинг ракобатлашишларидан кўркканликлари учун эди. Шунинг учун хам уларга: «Сизлар яхшиликни хоҳлайсизларми?», деган эдилар.

**Учунчи масала:** Эътикофнинг рамазондан бошка ойларда ва рамазоннинг охирги дахаси - ўн кунлигидаги хукми.

Бу хакида олимлар ўртасида ихтилоф бўлса-да, кувватлирок хукм - жумхури уламо хукми, эътикофнинг суннат эканидир. Жумхури уламо куйидаги хужжатларни далил килиб олдилар:

**1.** Эътикоф килиш далилларининг умумийлиги. Бу хукм - рамазон ва бошка ойларни, рамазоннинг охирги ўн куни ва бошка кунларни хам ўз ичига олади.

**2.** Оиша разияллоху анхо ривоят килган ушбу хадис: «Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам эътикоф киммокчи бўлсалар, бомдод намозини ўкиганларидан сўнг эътикоф килинадиган ерга кирап эдилар... Ва расууллох соллаллоху алайхи ва саллам эътикофни тўхтатдилар ва шаввол ойининг охирги ўн кунида эътикоф килдилар» (Ином Бухорий: 2040);

«.. расууллох соллаллоху алайхи ва саллам шаввол ойининг биринчи ўн кунида эътикоф килдилар» (Ином Муслим: 1173).

Бу хадислардан эътикоф килиш учун шариатда рухсат берилган пайт рамазон ва ўн кунликлар экани маълум бўлмокда.

**3.** Абдуллох ibn Умар разияллоху анху дедилар: «Умар расууллох соллаллоху алайхи ва салламдан: «Мен жохилият пайтида Масжидул-Харомда бир кеча эътикоф килишни назр килган эдим. (Нима килай?)»- деб сўради. Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам: «(Назрингга) вафо кил!»- деб жавоб бердилар» (Ином Бухорий: 2032; Ином Муслим: 1656).

Бу, рамазон ойи, рамазоннинг охирги ўн кунлари бошка кунларнинг барча кечалари эътикоф килиш учун муносиб вакт эканини кўрсатмоқда.

**4.** Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расууллох соллаллоху алайхи ва саллам хар рамазон ойи ўн кун эътикоф килар эдилар. Вафот этган йиллари эса йигирма кун эътикоф килдилар» (Ином Бухорий: 2044). Бу ривоят эътикоф рамазоннинг охирги ўн кунидан бошка кунлар хам эътикоф вакти бўлиши мумкин эканини кўрсатмоқда.

Бундан бошка далиллар хам кўп.

\* \* \*